



Русларнинг Туркистонни ишғол қилиш учун дашт ўлкаларида ҳозирлик кўриши

---

Русия Кичик, Ўрта ва Улуғ Юзларни қўшиб олиш йўли билан истилонинг илк мақсадини амалга оширди. Лекин ҳам аҳоли нуфузи, ҳам маданий савияси юқори бўлган Туркистон шаҳарларини Сибирда қўллаган усуллари билан ишғол этолмади (Бартольд. П., 293-6.). Шу сабабли руслар уч хонликка (Бухоро, Қўқон, Хива) қарши уруш ҳозирликлари кўришга мажбур бўлди. Рус ҳукумати шу вақтга қадар қўллаб келган қўшиб олиш сиёсати натижаларини ҳимоя қилиш ва Туркистон хонликлари устига янги ҳужумлар уюштириш учун Туркистон шимолидаги вазиятни соғломлаштиришга ғайрат қилди. «Оренбург ва Сибирдаги ҳарбий воситаларга даштда эҳтиёж бор эди. 23 интизомли полк (алай) ва уларга қарам бўлган Урал, Оренбург ва Сибирь казаклари қисмларидан 40 000 киши (Романовский. Заметки..., 21-6.) Россиянинг даштдаги ҳокимиятини сақлаш учун ва аynи замонда Қўқон хонига қаратилган таҳдид сифатида ушлаб туриларди. Туркистоннинг чўл ўлкасида Русия ўз мавқеини мустаҳкамлашда давом этди. 1845 йилда Иргиз ва Тўрғай дарёлари бўйлаб қалъалар қурила бошланди. 1847 йили Қўпал истехкоми ва Сергиопалда казак станцияси майдонга келтирилди. 1848 йилда Қора-Бутоқ ва Қос Арал бандаргоҳлари қурилди. Аynи ўша йили иккита рус ҳарбий кемаси Орол қўлига туширилди. Шу зайлда Чу ва Сирдарё орасидаги чўлларга ҳукмронлик қилиш учун ва Қўқон хонлигига қарши урушда қўлланиладиган мустаҳкам

чегара чизиги майдонга келди.

1852 йили Русия тўғридан-тўғри Кўкон хонлигининг кўшнисига айланди. Мустахкам Раим калъаси хонликка қарши урушда ва Туркистонга кириб боришда алоҳида роль ўйнади (Оренбург чегара комиссияси бошлиғи В. В. Григорьев шундай рапорт берган эди: «Осиё кўчманчилари ва хиваликлар ҳатто яқинлашишининг иложи бўлмаган Раим калъаси ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жihatдан муҳимдир». «История Казахской ССР», I. Алма-Ата., 1937. 40-41-б.). Руслар Сирдарёнинг қуйи қисмида, Чу ва Или дарёларнинг юқори оқимида қадар ўз мавқелари-ни мустахкамлаб олгач, мустахкам бир шаҳар бўлмиш Окмачитни ишғол қилиш учун ҳаракат қиладилар. Ўша вақтдан эътиборан мақсадлари, Кўкон хонлигини ўз ҳокимияти остига олишини таъминловчи Сирдарё бўйлаб ҳдират таянчлари қуриш эди.

Рус раҳбарияти Туркистонга қарши олиб бораётган сиёсатида Туркистон бозорларига мутлақ ҳоким бўлиш ва инглизларнинг Туркистон доирасидаги таҳминий имтиёзини бартараф қилиш каби икки асосий муаммони ҳал қилиши керак эди. Бу асосий принциплар Марказий Осиёда ҳукмрон бўлмок ниятида I Петр давридан бери Россиянинг олиб бораётган сиёсати эди (Ch. D. Boulger, England und Russia 2-сahифасида «Ўрта Осиё» атамасидан Кўкон хонлиғи, Хива, Бухоро, туркманларнинг ерлари ҳамда Помир хонликлари. Амударё ҳавзаси, Афғонистон ва Эрон англашилари эди.).

I Петр васиятномасида шундай деб ёзган эди: «Ўрта Осиёнинг ягона вориси рус подшосидир. Ер юзидаги ҳеч бир қуч бу меросга даъволик қилишимизга монелик қила олмас» (Лакоста, Россия и Великобритания., 4-б.). Бу мақсад «нури» остида Россиянинг Туркистонга нисбатан бошқа бир сиёсий йўл тутиши мумкин эмас эди. Рус сиёсатининг йўналиши I Петр томонидан тайин этилган мўлжални нишонга олишга қаратилганди. Даштда ўрнатилган рус ҳукмронлиғи, энг аввало, Кўкон ва Хива хонликларини таҳликага соладиган моҳиятга эга эди. Ҳар икки хонлик Россиянинг Туркистонга тазйиқи давом этишига монелик қилишга ва Россияга қўшиб олинган ўлкаларда миллий иттифок ҳақида ташвиқот юргизиш йўли билан таъсир ўтказишга ҳаракат қиларди. Аммо Россия Туркистоннинг шимолий ўлкаларидан воз кечиш у ёқда турсин, аксинча, Туркистоннинг бошқа ҳудудларини ҳам Россияга қарам қилишни мўлжаллар эди (W. Radloff, Sibirya, таржимон Др. Аҳмет Темур. Истанбул, 1987, 430-б.). Туркистонни асоратга солишни режалаштирган эски режа русларнинг Қрим урушидаги мағлубияти сабаб кейинга сурилган бўлса ҳам амалга оширишдан воз кечилмади.

1851 йили Перовскийнинг Оренбург бош волиси этиб тайинланиши муносабати билан Россиянинг босиб олиш режаси тезлаштирилди. Перовский 1839 - 1840 ва 1851 йилларда Хивага қарши урушда Россиянинг мағлубиятига сабаб бўлганди. Таҳқирловчи мағлубиятдан ҳафа бу одам Туркистон ерида зафар қучишни истарди. У рус олий идораларини Хива хонлиғи ишғолини вақтинча орқага қуриб, бунинг ўрнига Кўкон хонлиғига қарши уруш очишга қўндирди. Кавказ волиси Барятинский ҳам Туркистон истилосини тезлаштириш учун гайрат қилди. Рус ҳукумати режани тайёрлади, факат сиёсий ва молиявий сабабларга қўра амалга оширолмади. Россиянинг Овруподаги заиф ҳолати (масалан, Қрим уруши) Осиёда ортикча бир маъно ифода этмас эди. Чунки Туркистон давлатлари Россиянинг жуда устун қучи ва ҳарбий техникаси билан тенглашадиган даражада эмасди. Бу ҳусусда Россия раҳбарларининг стратегик режаси бор эди: аввал синаб қўриш учун кичик-кичик ҳужумлар уюштириш, агар муваффақият қозонилса, кейин урушни қенгайтириш лозим бўлади.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан